

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ

Сўнги уч йилда **8781** та хонадондан иборат **142** та, шундан, 2024 йилда **1862** хонадонли **38** та янги кўп қаватли уй-жойлар қурилиб фойдаланишга топширилди.

Навоий вилоятида қарийб **450** гектар майдонда “**Янги Навоий шаҳарчаси**” қурилиши бошланди.

Шаҳарча ҳудудида 551,6 минг квадрат метр майдонда **уй-жой** (5–16 қаватли), 4170 ўринли **мактаблар**, 1620 ўринли **боғчалар**, 285 ўринли **поликлиникалар**, 1150 ўринли **маданият объектлари**, 2 та **сайилгоҳ**, 8917 ўринли **автотураргоҳлар** ташкил этилади.

Охирги уч йилда **1371,8** км янги **ичимлик сув тармоқлари** тортилиб, марказлашган ичимлик суви билан қамров даражаси **68,2** фоиздан **85,0** фоизга етказилди

Сўнги уч йилда жами **2833** км, шундан **1450,1** км асфальт, **1271** км шағал қопламали ва **112** км цементбетон қопламали **автомобиль йўллари** қурилди.

Ички йўлларни яхшилаш мақсадида **1948,3** км йўлларда таъмирлаш ишлари олиб борилди. Натижада, таъмирталаб аҳволдаги ички йўлларнинг улуши **68** фоиздан **44** фоизга камайтирилди.

Сўнги уч йилда **1802,1** км электр узатиш тармоқлари, **3** дона подстанция ҳамда **476** дона трансформатор пунктлари янгидан қурилди ва реконструкция қилинди.

Натижада **15,0** мингдан ортиқ аҳоли, **3** мингдан ортиқ улгуржи истеъмолчиларнинг **энергия таъминоти** яхшиланди

Сўнги уч йилда 304 та янги **мактабгача таълим ташкилотлари** ташкил этилиб, улар сони **1431** тага етказилди ҳамда **8538** нафар тарбияланувчи ўрни **янгидан яратилди**.

3-7 ёшли болаларни мактабгача таълимга қамрови **80,9** фоиздан **84,9** фоизга етказилди.

2021 йил якунида **ўрта таълим мактаблари 356** та бўлган бўлса, 2024 йилга келиб мактаблар сони **378** тага етказилди. Таълим олувчилар **6124 нафарга** кўпайиб, **187 656 нафарга** ортди.

Ўтган 3 йилда **8** та мактаб янгидан қуриб фойдаланишга топширилган бўлса, **92** та мактабда қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Бундан уч йил олдин **хусусий мактаблар** мавжуд бўлмаган бўлса, ҳозирда улар сони **4** тага етказилиб, **1000 нафардан** ортиқ ўқувчилар қамраб олинган.

Амалга оширилган қурилиш-таъмирлаш ишлари натижасида **21 526** та янги ўқувчи ўрни яратилди.

Мактаб битирувчиларининг **олий таълимга кириш** кўрсаткичи **64** фоиздан **71,0** фоизга етказилди.

Мактаблардаги **тоифали ўқитувчилар** улуши 31,5 фоиздан **42,5** фоизга етказилди

Сўнги уч йилда жами **154** та, шундан **29** та оилавий шифокор пункти, **2** та оилавий поликлиника ҳамда **123** та маҳалла тиббиёт пунктининг фаолияти йўлга қўйилиши натижада **300** мингдан ортиқ аҳолига **тиббий хизмат** яқинлаштирилди.

2021 йилда беморларнинг **57** фоизга яқини Республика даражасида даволанган бўлса, ушбу кўрсаткич бугунги кунда **2** фоизни ташкил этади.

Вилоятдаги мавжуд 10 та марказий шифохоналарининг **3** таси тўлиқ реконструкция қилинди, Ғозғон шаҳрида янгидан қурилмоқда.

Зарафшон шаҳри ва Қизилтепа туманларида **буйрак кўчириш амалиёти** йўлга қўйилди.

3 та туманлараро перинотал марказлари, **1** та оналар ва болалар саломатлиги маркази ҳамда **3** та туманлараро кўшма шикастланиш марказлари ташкил қилинди.

Охирги уч йилда **500** га яқин тиббиёт ходимлари чет элда **малака оширди**.

Сўнги беш йилда **саноат корхоналари** сони **1429** тага ошиб, **4378** тага етказилди.

Улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми охирги беш йилда **28,5** трлн сўмдан **102,1** трлн сўмга етиб, ўсиш суръати **2,3 баробарни**, ўтган йилга нисбатан эса **107,8** фоизни ташкил этди.

Аҳоли жон бошига sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқариш **94,3** млн сўмдан тўғри келиб, республикада биринчи ўринни эгаллаб келмоқда

Сўнгги уч йилда **533** минг нафар **аҳолининг бандлиги** таъминланди.

Вилоятда ишсизлик даражаси 8,8 фоиздан 5,0 фоизга, камбағаллик даражаси эса 9,2 фоиздан 6,5 фоизга туширилди.

Сўнгги уч йилда **5749** та **тадбиркорлик субъектлари** ташкил этилиб, улар сони **27,0** тага етказилди.

Натижада даромад солиғи тўловчилар сони **23,8** нафарга ошиб, **305,8** минг нафарга етди.

2022 йилгача хорижий капитал иштирокида **236** та корхоналар мавжуд бўлган бўлса, **2024** йилга келиб уларнинг сони 161 тага кўпайиб, **397** тага етди.

2021 йилда жами **182,4** млн. доллар **хорижий инвестициялар** ўзлаштирилган бўлса, 2024 йилга келиб ушбу кўрсаткич **3,3 баробарга** ошиб **600,0** млн долларни ташкил этди.

Мисол учун:

“Zarafshon Oyna” МЧЖ томонидан қиймати **250** млн. долларлик йилига 12 млн. м² шиша листлари ишлаб чиқариш лойиҳаси;

“Zarafshon industrial technology” қўшма корхонаси томонидан қиймати **60** млн. долларлик йиллик қуввати **330** минг тонна сульфат кислотаси ишлаб чиқариш лойиҳаси;

“JVContinaz” МЧЖ ҚК томонидан қиймати **62,5** млн. долларлик йилига 40 минг тонна цианит натрий тузлари ишлаб чиқариш лойиҳаси;

“NAVOI AGROFOS” МЧЖ корхонасининг қиймати 50 млн. долларлик йиллик қуввати 80 минг тонна донадор фосфоритни қазиб олиш ва қайта ишлаш лойиҳаси;

“Uzbekistan Hydrogen Peroxide” МЧЖ ҚК (Туркия) томонидан қиймати **27 млн. долларлик** йилига 28 минг тонна водород пероксиди ишлаб чиқариш лойиҳалари ишга туширилди.

2021 йилда вилоят ҳудудидан **153 млн долларлик экспорт** амалга оширилган бўлса, 2024 йилга келиб **1,6 баробарга** ошиб **238,1 млн долларга** етказилди.

Экспортчи корхоналар сони 2021 йилда **146 та** бўлган бўлса, 2024 йилда экспортчи корхоналар сонини **300 тадан** ошди.

2021 йилда **экспорт географиясидаги** давлатлар сони **28 тани** ташкил этган бўлса, 2024 йилга келиб улар сони **47 тага** етказилди.

Рақамлаштириш бўйича 2022 йилда **IT-Парк резидентлари** сони **19 тани** ташкил этган бўлса, 2024 йилга келиб ушбу кўрсаткич **2,6 баробарга** кўпайиб **50 тага** етди.

2022 йилда IT Парк резидентлари томонидан 20 минг АҚШ доллари миқдорда **IT хизматлари экспорти** йўлга қўйилган бўлса, ҳозирда ушбу кўрсаткич **15 баробарга** ўсиб **3,1 млн долларга** етказилди.

Жорий йилда Навоий шаҳридаги 3 та чорраҳада синов тариқасида сунъий интеллект технологиялари асосида **“Ақлли чорраҳа” тизимини** жорий этилди, 2025 йилда яна 10 та чорраҳани сунъий интеллект технологияларини қўллаган ҳолда бошқариш режалаштирилмоқда.

“Ягона тез тиббий ёрдам” ахборот тизими жорий этиш орқали беморлардан бўладиган қўнғироқларни марказлашган ҳолда қабул қилиш ва чақирувларни вилоят бўйича ташкил этилган 95 та тиббий ёрдам бригадаларининг планшетларига бевосита юбориш тизими жорий этилди.

Сўнги 3 йилда **15,9 минг гектар** ер майдонлари **ўзлаштирилди**.

Вилоятда деҳқон хўжаликлари учун **11,5 минг гектар ер майдонлари** ажратилиб, **59,4 минг нафар** аҳоли иш билан

таъминланиб, қўшимча **147,6** минг тонна озиқ-овқат маҳсулотлари етиштирилди.

37,1 минг гектар майдонда **сув тежовчи технологиялар** жорий қилиниши натижасида **87** млн. м³ сув иқтисод қилинди.

Сўнги 3 йил давомида **пахта** майдонларида **ўртача ҳосилдорлик 3,9** центнерга ошди.

Ғаллачиликда ўртача **ҳосилдорлик 32,8** центнерга ошишига эришилди.

2024 йилда **3005** гектар майдонларга **Туркия** давлатидан олиб келинган “Ливзара”, “ЕЛИЗА”, “МИЛЕТ-84”, “СУМЕР” ҳамда **Хитой** давлатидан олиб келинган “Хин Лу Зао 52” навли пахта экилиб, **50** центнердан ҳосил олишига эришилди.

Охириги 3 йилда қиймати **1,3** трлн сўм бўлган **406** та лойиҳалар амалга оширилди. Мисол учун, Нурота тумани “Fhh garden flower” МЧЖда қиймати 11 млрд сўмлик **Лаванда етиштириш**, Навбаҳор тумани “Pure nature oils” МЧЖда қиймати **58** млрд сўмлик **ўсимлик ёғи** ишлаб чиқариш лойиҳаси лойиҳалари ишга туширилди.

Охириги 3 йилда вилоятда **14,2** минг тонна **сақлаш қувватлари** яратилиб, жами **40,3** минг тоннага етказилди.

Фермер хўжаликлари ҳамда агрокластерлар томонидан қиймати **370,9** млрд сўмлик **1116** донадан ортиқ замонавий ресурс тежамкор **техника ва агрегатлар** харид қилинди.

Сўнги уч йилда вилоятга ташриф буюрувчи **хорижий сайёҳлар** сони **20** баробарга, маҳаллий сайёҳлар эса **6** баробарга кўпайди.

Сўнги уч йилда меҳмонхоналар сони **42** тадан **171** тага етказилди.

2022-2024 йилларда жами лойиҳа қиймати **395** млрд.сўмлик **129** та **туризм лойиҳалари** ишга туширилди.

340 км масофада **60** та объектдан иборат **14** та туризм маршрутларини ўз ичига олган **Навоий “туризм халқаси”** ишлаб чиқилди.

Нурота туманидаги Сентоб қишлоғи UNWTO (Бутун жаҳон туризм ташкилоти)нинг Самарқанд саммитида **“Энг яхши туризм қишлоғи”** деб элон қилинди ва бутунжаҳон туризм қишлоқлари рўйхатига киритилди.

“Работи Малик”, “Сардоба”, “Мирсаид Баҳром”, “Қосим Шайх”, “Мавлоно Ориф Дегароний” маданий мерос объектларини **ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мероси ёдгорликлари** рўйхатига киритилди.

“Qizilqum safari” МЧЖ ва “Qizilqum kemel travel” МЧЖлар томонидан Айдаркўл бўйида **туризм кластери** ташкил этилди.